



ВЛАДИМИР ПУТИН ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлок хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислам Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзаро ҳамкорлик кенг қўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган қелишувларни амалга оширишда муҳим омили бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев



Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислам Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди.

Ўзбекистон Ислам Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустақамлашни алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

фировонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириши ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси

ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустақамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, ҲАА махсус мухбирлари.

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислам Каримовнинг онла аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

- Ҳиндистон Республикаси Бош вазири — Нарендра Моди
- Малайзия Кироли — Абдул Халим Муадзам Шох Янг ди-Пертуан Агонг XIV
- Малайзия Бош вазири — Дато Сри Моҳд Нажиб
- Таиланд Кироли — Пумипон Адулядет
- Финляндия Республикаси Президенти — Саули Нийнистё
- Словакия Республикаси Президенти — Андрей Киска
- Миср Араб Республикаси Президенти — Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Ас-Сиси
- Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси — Маҳмуд Аббос
- Лаос Халқ-Демократик Республикаси Бош вазири — Тхонгун Сисулит
- Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби — Жон Керри
- Афғонистон Ислам Республикаси Парламенти Куйи палатаси раиси — Абдул Рауф Иброҳимий
- Кувейт Давлати Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, таъши ишлар вазири — Шайх Сабоҳ ал-Халид ал-Хамад ас-Сабоҳ
- Токио шаҳри губернатори — Юрико Коикэ
- Хигашикава шаҳри мэри (Япония) — Мацуока Ичиро
- БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ҲАО) бош директори — Жозе Грациану да Силва
- «Транснефть» компанияси вице-президенти — Владимир Рушайло
- «Мицубиши Корпорейшн» бошқаруви раиси — Кен Кобаяши
- «НЭК Корпорейшн» компанияси президенти — Нобухиро Эндо
- Франция ривожланиш агентлиги бош директори — Рэми Рио
- Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — Лев Леваев
- АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — Борис Қандов
- «Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — Дайсаку Икеда
- Нагоя университети президенти — Сеичи Мацуо
- Васеда университети президенти — Каору Камата
- Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби — Владимир Шербаков.

Таъзияномалар қелиши давом этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМҲЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов хотираси халқимизнинг қалбида мангу яшайди. Бутун халқимиз Президентимиз вафотидан чуқур қайғуда.

Руслан НУРУДИНОВ,

ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ОСИЁ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҒОЛИБИ:

— Ҳуррамимиз Ислам Каримовдек халқпарвар, болажон, ёшларни «Менинг фарзандларим!» деб бағрига босиб, чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этадиган раҳбар кам бўлса керак.

Мен мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йили туғилганман. Мустақил давлатимиз билан бирга ўсдим, улгайдим. Мана шу ўтган йилгирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим Президентимизнинг улкан меҳри ва ғамҳўрлиги оғушида воёга етдик. Нимани ниёз қилсак, қалбимизда қандай эзгу мақсад бўлса, барчасига эришяпмиз. Бу мамлакатимизда замонавий таълим олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни намоён эттишимиз учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир.

Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медалини қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Ҳуррамимиз бу ютуғимни юксак баҳолади, 2016 йил 24 августдаги фармони билан мени «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб қўрди.

Шоҳсултаннинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, Президентимиз ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, энди Ислам бобомиз билан кўришганда, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим, менинг галаба қозонишимда Сизнинг «Маррани баланд олинг, азиз фарзандларим!» Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди» деган даъватингиз қатта куч берди дейман, дуосини оламан, деб ниёз қилгандим. Афсуски, армон бўлиб қолди...

Ҳуррамимизнинг бу даъватлари юрагимиздан ҳеч қачон ўчмайди ва бизни янада юксак галабалар сари илҳомлантираверади. Президентимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.

ҲАА мухбири Байрам АЙТМУРОДОВ ёзиб олди.

Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,

БОКС БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, II ЎСМИРЛАР ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБИ, КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ:

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатган улкан эътибор ва ғамҳўрлиги, билдирган юксак ишончини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз бу ишончини доим оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятимизни намоён этиб, Ватанимиз раҳбарига муносиб ҳисса қўйишга интилаверамиз.

Мени ва тенгқурларимни Президентимиз асос солган уч босқичли улкусиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимизни юзгага чиқарди. Спортдаги фаолиятимизда юксак натижаларга эришишимизда муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида мувофиқ «Шўрат» медали билан тақдирландим. 2015 йили Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган бир гуруҳ юрдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!» дея юксак ишонч билдирган эди.

Бразилияда ўтган Олимпиадада қумуш медалини қўлга киритган бўлсам-да, Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги фармонида биноан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислам Каримовнинг оталарча меҳри ва ғамҳўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

МАНГУЛИККА ДАҲЛДОР

Тадбир иштирокчилари Президентимиз портрети пойга гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ. Мирзаёров ва бошқалар иштирокчиларимиз асосчиси Ислам Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар мангуликка муҳрланиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг биринчи кунларидан оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ва моддий-техник базасини мустақамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилди.

Ислам Каримов журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил қўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоиласи ва принциплари бўлиб қолиши даркорлигини уқтирарди.

— Президентимизнинг биз, журналистлар меҳнатини доимо юксак қадрлаб келганини мамлакатимизда таъсис этилган турли нуфузли танловлар миқдорида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов. — Бу танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш рами бўлиб қолади. Ислам Каримов номи тинчликсевар ва халқпарвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ва қомил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Б.БОЗОРОВ, ҲАА мухбири.

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Электорат вакиллари мурожаатларини ҳал этишда депутатлик сўрови институти муҳим ўрин тутди. Бундай сўров натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назорати самарали амалга оширилади, қонунлар ижросига ўзига хос таъсир кўрсатилади.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

Ижтимоий масалаларни ҳал этишга хизмат қилади

Шунинг учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Мутасадди идора ва ташкилотларга сўровлар юборилиб, уларнинг ижроси назоратга олинмоқда.

Ҳўш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши-

даги партияимиз гуруҳи аъзолари бу ваколатдан қандай фойдаланяпти? Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда бу институт қай даражада самара бермоқда? Унинг имкониятларидан кенгрок фойдаланиш учун нималарга эътиборни қўйириш керак?

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП
МАХАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

■ «Электорат вакилларининг сиёсий маданиятини ошириш
фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиши лозим».

Электорат манфаатлари ҳимояси

партия ташкилотлари, депутатларнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ўз фаолиятини бугунги кун талаблари асосида кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Вилоятда партиямизнинг 42000 нафар аъзоси мингдан зиёд бошланғич ташкилотга бирлашган. Улар сафи кундан-кун кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган саккизи ойда 2168 нафар фуқаро партиямиз сафига қабул қилинди. Шундан 1550 нафари аёллар ва 1013 нафари ёшлардир.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда сиёсий партияларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш долзарб масала, — дейди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбархон Мамажонова**. — Партиямизнинг амалий Харакат дастурига кўра, ҳозиргача маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз томонидан 46 масала партия гуруҳларида, 40 масала доимий комиссия йиғилишларида ва 8 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Айниқса, Бешариқ, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларидаги партия гуруҳлари Харакат дастури ижросида самарали натижаларга эришишди. Хусусан, Тошлоқ туманида фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ижроси билан боғлиқ масала сессияга киритилди. Ёзёвон туманида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилинди.

Фарғона вилоят партия ташкилотларидаги ўзгаришлардан бири аъзолар сафидаги янгиланиш, ёшариш билан боғлиқ. Масалан, бундан беш йил аввал партия аъзоларининг атига 18,6 фоизини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сони 32,5 фоизга етибди. Ёшлар орасидан депутатлар етишиб чиқди. Партия гуруҳларини шакллантиришда улар салмоқли ўрин эгаллашди. Бу эса ташаббускорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

ЎзХДП фаоли. Кўкун шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ёқутхон Рузиева «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови ўтказишга келиб, унда иштирок этмоқчи эканини айтди. Бу интилиш ташкилотчиларни бефарқ қолдирмади. Ёқутхон танловга пухта тайёргарлик кўрди. У танловнинг уч шартига ҳам зукколиги, ташкилотчилигини намоён этди. Саккизи иштирокчи орасида энг юқори натижага эришиб, Кўкун шаҳар босқичида голиб бўлди.

Фарғона вилоят партия ташкилотларидаги ўзгаришлардан бири аъзолар сафидаги янгиланиш, ёшариш билан боғлиқ. Масалан, бундан беш йил аввал партия аъзоларининг атига 18,6 фоизини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сони 32,5 фоизга етибди. Ёшлар орасидан депутатлар етишиб чиқди. Партия гуруҳларини шакллантиришда улар салмоқли ўрин эгаллашди. Бу эса ташаббускорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

— Танловнинг республика босқичида совриндор бўлишни ният қилганман, — дейди Ёқутхон. — Бу танлов орқали мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилигимиз, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини

таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар билан яқиндан таниш-даниш.



муҳтож экани аниқланди. Шундан сўнг депутатларимиз ишчи гуруҳи тузиб, тегишли идора, мансабдорларга депутатлик сўровлари юборишди. Сўровларнинг натижалари дастлаб халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиясида, сўнгра сессияда кўриб чиқилди. Ёш оилалар имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу асосда бир неча ёш оилага кредит ажратилди.

Фарғона вилоятида Ўзбекистон ХДПга аъзо ёшлар сони 15528 нафарни ташкил этади.

Ожоридаги каби ўрганилган масалалар, қабул қилинган қарорлар электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутди.

ошириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам вилоят партия ташкилоти тарғибот-ташвиқот ишларига устувор вазифалардан бири сифатида қараб келади. Биргина мисол. Жорий йилнинг ўтган даврида бошланғич ташкилотларда 1600 га яқин сиёсий ўқув ўтказилди.

— Биз келгусида, айниқса, чекка худудларда истиқомат қилаётган электоратимиз вакиллари бўлган ёшларнинг муаммоларини ўрганишимиз ва уларни бартараф этишга кўмаклашимиз зарур деб ўйлайман, — дейди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Аҳмадали Ҳакимов**.

Тошлоқ туман марказий шифонасидаги бошланғич партия ташкилотиди «Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзтиборли жиҳати шундаки, ҳар бир сиёсий ўқувни эркин мулоқот, ўзаро фикр алмашув шаклида баҳс-мунозаралар билан ўтказишга алоҳида эътибор берилаетир.

Жамият демократлашувининг муҳим талаблари, балки шартларидан бири сиёсий маданиятни

ошириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам вилоят партия ташкилоти тарғибот-ташвиқот ишларига устувор вазифалардан бири сифатида қараб келади. Биргина мисол. Жорий йилнинг ўтган даврида бошланғич ташкилотларда 1600 га яқин сиёсий ўқув ўтказилди.

Тошлоқ туман марказий шифонасидаги бошланғич партия ташкилотиди «Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзтиборли жиҳати шундаки, ҳар бир сиёсий ўқувни эркин мулоқот, ўзаро фикр алмашув шаклида баҳс-мунозаралар билан ўтказишга алоҳида эътибор берилаетир.

— Электорат вакилларининг сиёсий маданиятини ошириш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиши лозим, — дейди

Тошлоқ туман марказий шифонасидаги бошланғич партия ташкилотиди «Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзтиборли жиҳати шундаки, ҳар бир сиёсий ўқувни эркин мулоқот, ўзаро фикр алмашув шаклида баҳс-мунозаралар билан ўтказишга алоҳида эътибор берилаетир.

— Электорат вакилларининг сиёсий маданиятини ошириш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиши лозим, — дейди

■ СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Гулчехра ХОЛМАТОВА,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи:

— Айни пайтда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида партиямиздан сайланган 15 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Айтиш керакки, улар партиямиз дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Масалан, жорий йилнинг 6 ойи давомида шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 60 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Уларда уй-жой ва коммунал, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга оид масалалар кўтарилган. Муҳими, мурожаатларнинг ақсариятига вақтида жавоб олинди ва электорат манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни ҳал этишга эришилди.

Хусусан, Муҳаммадҷон Зуфаров аҳолига пенсияларнинг вақтида етиб бориши, Зоя Ан ички кўчаларни ёритиш, Ҳайдар Бобоҳон аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, Руслан Муборакшин болалар майдончаларини кўпайтириш, Ниғора Ёшиметова ногиронлик нафақалари ажратилиши масалалари бўйича тегишли ташкилот ва идораларга мурожаат қилишган. Уларга вақтида жавоблар олинди ва муаммолар ижобий ҳал этилди.

Бу каби мисолларни кўпайта келтириш мумкин. Менимча, ҳар қандай сўров муаммо атрофида ўрганиб чиқилгандан сўнг юборилсагина, кутилган самарани беради. Чунки сўровда масала аниқ ва асосли қўйилган бўлади. Ҳар бир депутат, партия ташкилоти шунга амал қилса, депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

Лола ИЛИЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Депутат ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарайди, уни зийрак кузатиши керак. Қай-сидир ҳудудда аҳолини ўйлантириб келатган муаммо бўлса, уни ўз ҳолига ташлаб қўймастлиги зарур.

Яна бир масалани ёлдан чиқармаслигимиз керак. Депутатлик сўровининг имкониятлари кенг, бу борада бизга катта ҳуқуқ, ваколат берилган. Муайян ташкилотга сўров билан мурожаат қилар эканмиз, аввало, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини ҳисобга олишимиз, вазиятни чуқур таҳлил қилишимиз лозим.

Менга яқинда Шота Руставели кўчасида истиқомат қилаётган фуқаролардан мурожаат бўлди. Унда ёмғир сувларининг қуйилиши оқибатида кўчада сув тўпланиб, машиналар ва одамлар учун ноқулайлик туғдираётгани маълум қилинган. Ўшбу масала бўйича Яқкасарой туман, кейин эса Тошкент шаҳар ҳокимиятига депутатлик сўрови юбордим ва мурожаат ўз ечимини топди.

Айтиш керакки, бугунга келиб депутатлик сўровларидан фойдаланиш партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим механизмга айланди. Лекин бу борада айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Хусусан, сўров юборишда баъзан сайловчи кўтарган масалани чуқур ўрганмаслик ҳолатлари кузатиляпти.

Аслида депутатлик сўрови кўпчилиكنи ўйлантираётган масала ёки қонунлар, қарор ва фармонлар ҳамда давлат дастурлари ижроси билан боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунда масала ичига чуқур кириб бориш, кўтарилган муаммони бартараф этиш имкони ортади, деб ўйлайман.

— Давоми. Бошланғич 1-бетда.
Гулрух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ижтимоий дорихона

қандай қулайлик яратади?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомларга нархларнинг қўйилиши устидан давлат назоратини кучайтириш масалалари кўзда тутилган.



Мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга мустақилликнинг

олдидан «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан жойларда 60 га яқин ижтимоий дорихоналар ишга туширилди. Бу аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— Фармацевтика sanoatini ривожлантириш, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини сифатли дори-дармон билан таъминлашда компаниямизнинг алоҳида ўрни бор, — дейди **«Дори-дармон» акциядорлик компанияси масъул ходими Оқил Ҳожиметов**.

— Бугун юртимиздаги 150 га яқин фармацевтика корхоналарида 1 минг 500 нондаги турли дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Жойларда иш бошланган дорихоналарнинг асосий жиҳати шундаки, бу ерда назорат касса машинаси ва тўлов терминали ўрнатилгани

аҳолига қўшимча қулайлик яратади.

«Ижтимоий дорихона», деб номланишининг сабаби мазкур дорихоналарда дори-дармонларга кўпи билан 15 фоиз устама нарх қўйилади. Қолаверса, харидорлар учун қулайлик яратиш мақсадида дам олиш жойлари ташкил этилган. Истеъмолчилар фитобарлардан ҳам имтиёзли фойдаланиши мумкин.

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга ошириляпти, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитхон Турғунов**. — Партиямиз Сайловолди дастурида биринчи тиббий ёрданман

қулай ва тезкор фойдаланиши таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кўпайтириш, жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёзли асосда бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар белгиланган. Буларнинг барчаси инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эга.

Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»-ги қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2016-2017 йилларда биргина Фарғона вилоятида 12 ижтимоий дорихона ва уларнинг 9 шохобчасини ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса фуқаролар, айниқса, партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилади.

— Касалликни даволашда дори воситасининг сифати жуда муҳим аҳамиятга

эга, — дейди **Пойтахтимиздаги 44-оилдави поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева**. — Очиғини айтиш керак, ҳозир айрим хусусий дорихоналарда сотилаётган дори-дармонларнинг ҳаммасини ҳам нархи ва сифати талабга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайти. Мамлакатимизнинг барча худудларида ташкил этилаётган ижтимоий дорихоналарда эса бундай муаммо бўлмайти. Энг асосийси, дори воситалари арзон нархларда аҳолига етказиб берилади.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси вакилларининг маълум қилишича, 2016 йил охирига қадар 130 га яқин ана шундай дорихоналар ишга туширилиши кўзда тутилган. Бу аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кексалар, беморлар, ёрдамга муҳтож кишиларга қулайлик яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

2016 йил — соғлом она ва бола йили

■ Инсон тарбиясида, унинг маънавиятини юксалтириш ва дунёқарашини шакллантиришда китобнинг ўрни беқиёс.

■ ФАРМАЦЕВТИКА

Фармацевтика саноати иқтисодий тизимнинг жадал ривожланган тармоқларидан бири. Айни пайтда мамлакатимизда 100 дан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда. 30 га яқин корхонада халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ ДОРИЛАР

Соҳага йўналтирилган чет эл инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ортиб, сифатли дори воситалари ишлаб чиқариш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Фарғона вилоятида фармацевтика саноатини ривожлантириш, замонавий ва рақобатбардosh маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Учкўприк туманидаги «Тор victory» маъсуляти чекланган жамиятида маҳаллий хомашё асосида биологик фаол қўшимчалар ва табиий гиёҳлардан сифатли дори-дармон ишлаб чиқарилаётди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда ўсадиган 1 минг 150 дан ортиқ турдаги ўсимликда дориворлик хусусияти мавжуд. Шу боис мазкур жамиятда доривор ўсимликлар етиштириш ва улар асосида олинган дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини ошириш бўйича белгиланган тадбирлар самарасида жорий йилнинг ўтган даврида 17 янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда жамият маҳсулотлари Тошкент шаҳридаги 71 ва бошқа вилоятлардаги 120 тадан ортиқ дорихонага шартнома асосида етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотлар четдан келтириладиган дори воситаларига қараганда сифатли ва нархи 3-4 баробар арзон экани истеъмолчиларга манзур бўлаётди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратиладиган доимий эътибор бизни маҳаллий хомашёдан дори воситалари ишлаб чиқаришга ундади, — дейди жамият раҳбари Комилжон Холматов. — Бизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва биологик фаол қўшимчалар замонавий тиббиётнинг эндокринология, педиатрия йўналишлари ва қатор касалликларнинг олдинчи олишда ишлатилади. Йил охирига қадар яна беш турда дори воситалари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Жамиятга қарашли 5 гектар майдонда доривор ўсимликлар етиштирилмоқда. Қўқон давлат ўрмон ҳўжалиги билан имзоланган шартнома асосида хўжалик ерларида етиштирилган шифобахш гиёҳлар жамиятга хомашё сифатида етказиб берилмаётди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

МАЪРИФАТ ВА МУТОЛАА
кошонасига саёҳат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 6-9 сентябрь оқиқ эшиклар кунни эълон қилинди.

Мамлакатимизда ҳеч қандай кам бўлмаган баркамол авлод маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутлоа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилади. Бу борада кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.


«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўламли янада кенгаймоқда.

Кутубхона бўйлаб ташкил этиладиган оқиқ эшиклар кунини ҳам ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид қўникмаларини янада мустаҳкамлаш, мазкур маърифат масканда китобхонлар учун яратилган имконият ва қўлайликлардан хабардор этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида Тошкент темир йўл муҳандислари, Тошкент молия, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтлари, Ўзбекистон давлат жаҳон меҳрини янада кучайтириш, мутлоа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилади. Бу борада кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугун эрталабдан кутубхонамиз ёшлар билан гажмиз, китоб музейи, кўргазмалар зали, кафедралар, китобхонлар каталоглари ва картотека заллари, электрон каталоглар хоналари бўйлаб экскурсиялар ўтказилмоқда, — дейди кутубхона директорининг ўринбосари У.Тешабоева. — Қувонарлиси, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб, мутлоа маданияти ривожланиб бормоқда.

Мазкур кутубхонага 12 ёшдан бошлаб аъзо бўлиш мумкин. Уларга аъзоллик тасдиқловчи пластик карточкалар тақдим этилади. Расмий веб-сайтида фойдаланувчиларга сифатли ва



кенг миқёсда хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари мавжуд.

Бу ерда замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотлар, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхати, кутубхонанинг электрон каталогидан фойдаланиш ва адабиётларга буюртма бериш каби хизматлар тақдим этилган.

— Инсон тарбиясида, унинг маънавиятини юксалтириш ва дунёқарашини шакллантиришда

Ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб, мутлоа маданияти ривожланиб бормоқда.

китобнинг ўрни беқиёс, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Ш.Аҳмедов. — Биз,

А.ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ҳар бир бола меҳр ва эътиборда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Тозалик, озодлик — саломатлик гарови» мавзусида тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш билан бир қаторда улар фарзандларининг маънавиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акциясига 12 минг биринчи синф ўқувчиси

қамраб олинди. Мамлакатимиздаги уч юзга яқин мактабда ташкил этилган тадбирларда ўйин-мулоқот усулларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусофоллигини сақлашга ундовчи экологик суҳбатлар ўтказилди. Дастур доирасидаги маданий-маърифий тадбирларда таниқли санъаткорлар, хонандалар ва кўғирчоқ театри актёрларининг сахна кўринишлари намойиш этилди.

— Лойиҳадан қўзланган асосий мақсад — болажонларга соғлом турмуш тарзи таъминлашнинг йўналишидан иборат, — дейди мактаб директори ўринбосари Раёно Низомова. — Тадбирда ўғил-қизларга бу борада тушунтиришлар бериш билан бирга, кундалик ҳаётда риоя этишлари лозим бўлган санитария-гигиена қоидалари жамланган эслатма-қўланма тақдим этилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

■ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

АКТ соҳасидаги мулоқот

Тошкент шаҳридаги Инха университети ва «Асака» акциядорлик тижорат банки ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Университет ректори Ш.Шерматов, «Асака» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси А.Аҳмадуллоев ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб, юқори маълумлиги, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган билимли ёшлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Тошкент шаҳридаги Инха университети халқаро даражадаги ИТ-мутахассислар тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини таъминлаштиришда етакчи олий таълим муассасаларидан саналади. Бу ерда талабалар компьютер ва дастурий инжиниринг, логистика йўналишларида тахсил олади.

Тадбирда университет ва «Асака» банкнинг ҳамкорлигини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сафини кенгайтириш, улар томонидан банк фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган янги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, амалиётга таъбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

— Ҳозир банкимиз интеграциялаштирилган-автоматлаштирилган тизимда фаолият юритмоқда, уни жаҳон стандартларига тўла мослаштириш учун замонавий дастурлар билан янада бойитишимиз керак, — дейди банкнинг ахборот-технологиялари департаменти бошлиги Шухрат Комилов. — Бу борада университетнинг иқтидорли, ўз соҳасини мукаммал билладиган салоҳиятли талабаларига мурожаат қилмоқдамиз. Меморандум доирасида тўрт йил давомида

университетнинг бакалавриат ва магистратура босқичи талабаларига грант тақдим этиб, янги дастурлар яратиш учун буюртма берамиз. Энг зўр дастурчининг тўлов контракт пуллари банк ҳисобидан тўланади, ишга қабул қилинади.

Йўналишда банк соҳасида инновацион ечимларни таъбиқ этиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, мобил банкнинг ва интернетни ривожлантириш, банк фаолиятидаги бизнес жараёнларни оптималлаштириш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Ҳамкорлик доирасида университет талабалари учун махсус ИТ-курслар, ИТ-лабораториялар ташкил этиш ҳамда бизнес-режаларни амалга оширишга қўмаклашиш режалаштирилган таъкидланди.

ЎЗА.

■ ИҚТИСОДИЁТ

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган «TELECOM INNOVATIONS» Ўзбекистон-Сингапур-Хитой қўшма корхонаси рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш ускунаси, ADSL модемлар ва DSLAM қурилмалари ишлаб чиқаришда етакчи корхоналардан биридир.

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди

Яқинда бу ерда Хитойнинг «ZTE» компанияси янги лойиҳалари ва тўғридан-тўғри инвестицияси эвазига рақамли сигналларни қабул қилиш қурилмасининг IPTV ҳамда модемларнинг Home gateway серияли янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Қўшма корхонамиз 2010 йилда ташкил этилган, — дейди корхона директори Фирдавс Алиев. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи вақтида эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан корхонада замонавий теле ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг «ZTE» компанияси қўшма корхона

таъсисчилари қаторига жалб этилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми янада ортди.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 40 ишчининг аксарияти ёшлардир. Мутахассислар малакасини ошириш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг «ZTE» университетиде махсус ўқув ва малака ошириш йўлга қўйилган.

Корхонада амалга оширилган модернизация ишлари самарасида қурилмалар тури 5 дан 15 тага етказилди. Натижада 2013 йилда 1 минг 600 қурилма ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 16 минг 460 га етди.

ISO 9001:2009 сифат менежментига эга корхона 2015 йилда сифат, етакчилик ва мукаммал йўналишида International Quality Crown Award (IQ) мукофоти билан тақдирланган.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ИЛОННИНГ ЯНГИ ТУРИ ТОПИЛДИ

АҚШ ва Мадагаскар олимлари оролда судралиб юрвчилар оиласининг янги турини аниқлашди. Ушбу илоннинг шу пайтга қадар фанга маълум эмаслигига сабаб унинг ташқи кўринишидир. Бу ҳақда Soreia журна-ли сайтида хабар берилди.

Зоологлар ҳозирча бундай илоннинг биттасини ўшлага муваффақ бўлишган. Унинг ташқи кўриниши қояларнинг тусига ўй-ғунлиги сабаб, lolo («луу луу») деб номланди. Бу сўз маҳаллий тилда — «арвоқ» деган маънони билдиради.

Олимлар илоннинг тўлиқ морфологик тасвирини ёзиб, ДНК таҳлилини амалга оширишди. Шундан сўнгина, судралиб юрвчилар тури яна биттага бойигани ҳақида эълон қилинди.

АНТИБИОТИК ҚАБУЛ ҚИЛИШ

аллергик касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин

Нидерландиялик олимлар антибиотикларни болаликда қабул қилиш келажақда аллергия касалликларга олиб келиши ҳақида огоҳлантиришмоқда, деб ёзади EurekAlert сайти.



1966 — 2015 йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижасига асосан дерматит ва пичан безгаги каби касалликлар юзага келиши аниқланди.

Дерматит пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш учун 395 минг, пичан безгаги учун эса 257 мингдан зиёд киши танлаб олинди.

Антибиотикларни болаликда қабул қилиш натижасида дерматит келиб чиқиш хавфи 15-41 фоизни, пичан безгаги юзага келиши эҳтимоли 14-56 фоизни ташкил қилди.

ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН

аниқлайдиган ускуна яратилди

Сибирь иқлим ва экология тизимларини мониторинг қилиш институти мутахассислари геофизик регистраторни яратишди. Унинг ёрдамида зилзилаларни олдиндан айтиш ва ҳудудларнинг сейсмик жиҳатдан хавфлилигини баҳолаш мумкин, деб ёзади РИА Новости ахборот агентлиги.



Қўп каналли МГР-01 геофизик регистраторнинг оғирлиги 3 килограммга тенг. У кичик жомадона кўринишида бўлиб, ер тарқатидан электромагнит майдонларни ўлчаш учун яратилган. Унинг фаолияти тектоник блоklar ҳаракати натижасида юзага келадиган электр разрядларни қайд этишга асосланади.

Қурилмадан конларни кидириб топишдан тортиб, хавфли геологик жараёнларни мониторинг қилишга бўлган турли соҳаларда фойдаланиш мумкин.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН
БОШЛАНАДИ

Аҳиллик, ҳамжиҳатликда гап кўп.

СПОРТ

Оғир атлетикачи қизларимиз ғалабаси

Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари Иорданияда ўтган II Афро-Осиё чемпионатида 10 олтин, 3 тадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди.

Тажрибали атлетимиз Марина Сисоева вази 53 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида штангани даст кўтаришда 82 килограмм, силтаб кўтаришда 103, иккикурашда 185 килограмм натижага қайд этиб, учта олтин медалга сазовор бўлди.

Вази 58 килограммгача бўлган қизлар баҳсида Муаттар Набиева штангани силтаб кўтариш баҳсида шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтаришди.

69 килограммгача бўлган вази тоифасидаги атлетлар мусобақасида голлиблик учун кураш мамлакатимиз спортчилари ўртасида кечди. Манзура Мамасолиева штангани даст кўтаришда 91 килограмм, силтаб кўтаришда 119, иккикурашда 210 килограмм натижа билан учта олтин медални қўлга киритган бўлса, Гулноза Аҳмадова штангани даст кўтаришда 68 килограмм, силтаб кўтаришда 85 ва иккикурашда 153 килограмм натижага қайд этиб, учта кумуш медал билан тақдирланди.

Вази 75 килограммгача бўлган спортчилар беллашувига ҳам биринчи ўрин терма жамоамиз аъзоси Омадой Отақузиёевага насиб этди. Тажрибали спортчимиз штангани даст кўтаришда 80 килограмм, силтаб кўтаришда 102, иккикураш натижасига кура 182 килограмм натижа билан ўз вази тоифасида тенгсиз эканини исботлади.

Илк бор халқаро майдондаги мусобақаларда иштирок этаётган умидли спортчимиз Долера Давронова вази 75 килограммдан оғир бўлган атлетлар баҳсида учта бронза медал билан тақдирланди.

Чемпионатда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Китоб савдо маркази очилди

Навоийда «Камолот» китоб савдо маркази иш бошлади.

Мажмуанинг очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, китобга қизиқишини ошириш, мутлола маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган мажмуада 400 дан ортиқ турдаги китоблар сотилмоқда. Бу ерда ўнга яқин бўлимлар бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик яратилган.

Биз, ёшларнинг маънавиятимиз ва дунёқарашимизни бойитиш мақсадида мазкур мажмуанинг барпо этилганидан мамнуниймиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Баҳодир Абдуллаев. — Энди биз ўзимиз учун зарур бўлган турли адабиётларни шу ердан харид қиламиз. Юртимизда бундай маърифат ва маънавият марказларининг кўпайиши аҳоли, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топшига хизмат қилади.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Б.АЙТМУРДОВ,
Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбирлари.

ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ ВА ТЎКИН

Чироқчи шаҳри марказидаги эски бозор тўлиқ қайтадан қурилиб, ишга туширилди

Пала-партиш қуриб ташланган бинолар ўрнида кўркам, замонавий, қулай, обод бозор қад ростирилган, шубҳасиз туман тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Ушбу озиқ-овқат ва деҳқон бозоридан 500 мингга яқин аҳолининг ярми, шунингдек, Яқкабоғ, Қамаш, Шаҳрисабз, Китоб туманларининг яқин қишлоқлари бахраманд бўлмоқда. Қурилиш ва ободончиликка сарфланган 13 миллиард сўмдан кўпроқ сармоянинг асосий қисми тадбиркорлар улушига тўғри келади.



Эрта тонг. Чироқчи шаҳрининг марказий кўчасидан ўнга бурилиб, бозор олдига етиб келдим. Бир нафас тўхтадим. Вожаб, қаршимдаги манзара ҳайрат уйғотарди. Ахир, бундан уч-тўрт ой бурун келганимда, айрим бинолар тикланган эди холос. Энди рўпарамда кўш қаватли, замонавий, давр меъморчилигининг барча унсурларини ўзида акс эттирган, улкан ойналари ялтиратган савдо маркази қад кўтарибди.

Айниқса, бозор дарвозаси эътиборни тортади. Беш-олти метрлик оқ устунлар кўтариб турган «соёбоннинг тағ қисми оппоқ қопламали. Темир дарвозанинг тарам-тарам металл чивиллари ҳам оқ ранга бўлган. Агар таъбир ҳам бўлса, шу туршида қанотларини ёзган оқушга ўхшайди. Оппоқ ёғду кўзни қамаштиради. Ногоҳ, сал наридаги бошдан-оёқ оппоқ кийинган кекса кишига кўзим тушди. У маҳобатли дарвоза қаршисига ўй суриб турарди.

Танидим — элнинг донишманд кайвонларидан бири 90 ёшли Темир ҳожи Жуманов эди. Бир неча бор суҳбатлашганим. Олий маълумотли, узоқ йиллар ҳўжалиқларда меҳнат қилган. Жами 6 ўғил, 4 қизни улғайтириб, элга қўшган.

— Мана, шу оппоқ дарвозага қараб ўйлаб турувдим, — дейди бобо мен билан кўришиб. — Халқ қалби денгиз экан-да. Истиқлол йилларида ободончилик ишлари кўпайди. Замонавий мактаблар, коллежлар қурилди. «Кўкдала-Келеф» газ қувури тортиб келинди. Энди тўғриси айтмай, фақат шу эски бозорни обод қилиш қолган эди... Хайрият, ниятимизга етдик...

Чироқчиликлар қадимий Чияли бозорини Юртбошимиз вилоятда ишлаганларида ўзлари бошида туриб, тўла қайта қуриб берганини ҳеч қачон унутмайди. Чунки қир-адирларга маржондек сочилган қишлоқларда ашаётган чироқчиликлар учун бозор олди-сотди воситаси эмас, балки қўт-барак, тиркичилик манбаи. Туманда 16 бозор бор. Аммо Чироқчидаги марказий озиқ-овқат ва деҳқон бозорининг ўрни бўлақча.

Бундан уч йил бурун туман ҳокими ўзгаргач, қурилиш-ободончилик ишларига эътибор қучайди. Тошкентдаги шаҳарсозлик институти Чироқчи шаҳрини қайта қуриш лойиҳасини тайёрлаб берди. Шаҳар марказидаги 3 гектардан ошқ жойда замонавий болалар истироҳат боғи барпо этилди. Эски кинотеатр таъмирланиб, маданият саройига айлантилди. Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Аммо шаҳар марказидаги эски бозорни қайтадан қуриш режасини амалга ошириш осон кечмади.

Зарурият бозор раҳбарини ўзгартиришга олиб келди. Ҳокимиятнинг тавсияси билан МЧЖ раислигига Исмаил Ибодуллоев сайланди. Ёши улғу, яхши тадбиркор. Ҳақиқат шундаки, у даслаб унамади, ишлаб кетиш ниятида оғирлигини биларди. Чунки тафтиш бозорнинг солиқдан жуда катта қарзи борлигини аниқлаганди. Бунинг устига эски иморатлар бузила бошлаб, савдо-сотик бозордан 3 километр узоқликдаги эски дўконларга кўчирилганди. Қор-ёмғир осидида савдо бўлар, тушумларини йиғиш, тадбиркорларга шароит яратиб бериш маъшуқатини асти сўраманг. Бу ёқда қурилишларни давом эттиришда муаммоларга дуч келинаётган эди.

— Бу гапларнинг барчаси ҳақиқат, — дейди қурилиш ишларининг анча ташвиши зиммасига тушган туман ҳокимининг биринчи ўринбасари Шерали Хусайнов. — Қайта қуриш ҳаракатлари 2013 йилда бошланганди. Илгариги бозорни қўрганмисиз? Дўконлар дуч келган жойда қурилган, раста етиш мағанидан деҳқонлар махсулотларни очик жойда сотишларди. Хатто чикиндини ташиб чиқиш муаммо эди. Биз бузиш-қуришлар давомида 10 минг тоннадан ошқ чикиндиларни ташиб чиқишга мажбур бўлдик. Энг катта муаммо — айрим дўкондорларнинг ўжарлиги эди.

Дарҳақиқат, бу жиддий муаммо эди. Йигирта йиллар давомида айтгани айтган, дегани деган бўлган айрим тадбиркорлар замоннинг зайлини тушунишмади.

Шундай кунларнинг бирида бозор ҳовлисида ўтган йилда Темир бобо сўз олиб: «Биродарлар, ҳокимимиз Чироқчи обод бўлсин, деб уриниб ётибди. Келинлар, уни қўлайлик, аҳил бўлайлик!», деди. Бошқалар ҳам ўз фикрларини айтишди.

Ҳа, бу гал ҳам аҳиллик энгди. Мен ўжар дўкондорларнинг анчаси билан суҳбатлашдим. «Кўпчиликнинг қилаётган иши ўрагимни эритди. Шукр, яхши дўкон қуриб олдик. Фарзандларим ишлайди», деган эди тадбиркор Ҳамид Ҳамроев.

— Хўп аризабозлик қилган, деб мени кўрсатишгандир? — деганди тадбиркор Муборак Султонова. — Бу гаплар тўғри эмас. Мен савдо-сотик эмас ўсганман. Яхши ният билан ошона қургандик, бузишга рози бўлмадим. Шикоят ёзганимдан тонмайман. Кейин ҳокимимиз Равшан Қомиллов: «Опажон, янги лойиҳа тузилган, бузиш ишларидан ўзим кўмак берман. Келинг, кўпчиликни кўлини ишдан совутмайлик», деди. Яхши гап жон озиғи, дейдилар. Кўндим, эски билонимиз буздик. Ўрнида кўркам, замонавий ошона қуриб олдик. Мен кўпчиликдан, элдан айрилишини асло истамайман...

Ўжарлик ўрнига, қурилишга фаол киришиш ободончиликнинг асосий пойдевори бўлди. Ишлар юришиб кетди.

Бироқ энди энг катта муаммо кўндаланг бўлди — етарли сармоя йўқ эди. Қурилиш ташкилотлари, олдидан маблағ ўтказмаси ишни бошлашни хошлашмади. Ана шундай оғир вазиятда «Олим ўғли Жасур» хусусий фирмаси бошлиғи Холлиёр Ўтаев ҳамкорликка рози бўлди. Бу ташкилотнинг ўз гишт заводи, эшик-дераза чеҳи бор. Унда 80 қурувчи меҳнат қиладди. Бозор маъмурияти ҳам қараб турмади, банкдан 700 миллион сўм кредит олиб, қурилишни кетма-кет молиялаштира бошлади.

Биз ана шулар ҳақида ўзаро суҳбатлашиб, Темир бобо билан янги бозорнинг дарвозасидан ичкарига киримиз. Бундай дарвоза 4 та экан. Ростини, янги бозор қиёфасидан ҳайратга тушмай иложи йўқ эди. Ана, Холлиёр

Ўтаев бошлиқ қурувчилар тиклаган марказий савдо растаси, темир устунларга кўтарилган, усти рангли тунақалар билан қопланган. Бу жойда 800 савдо ўрни яратилган экан. Растанинг икки ёнида замонавий совутигичлар ўрнатилган, гўшт ва сут махсулотлари павильонлари усти ёпиқ. Лойиҳани Қарши шаҳридаги «Ландшафт-Нахша» масъулияти қелган жамияти пешма-пеш тайёрлаб бераверибди. Тадбиркорлар бирин-кетин дўкон, ошона қураверишибди. Масалан, тадбиркор Собир Хоналиев ўзи қурган чойхонани «Асл чой», деб атамоқчи. Кўркам, барча шароит муҳайё. Ҳозиргача 320 савдо дўқони қурилибди. Жами 1,5 мингта иш ўрни яратилди. Айниқса, бозор чеккасидан бўлиб қолган Қайришма қанали бўйли обод. Ишбилармон Бахтиёр Ҳамроев яхши чойхона қурибди. «Ҳали дархат, гуллар қўқартирмаман», — дейди у. Келгусида канал ёқасидаги эски уйларга, кўчириш, сайилгоҳ, катта автомобиль тўхташ жойи барпо этиш режаси тузилган экан.

Бозор раҳбари Исмаило Ибодуллоев билан суҳбатлашаман. У муҳим ишларни тилга олади. Эски бозор ўртасидаги сув минораси бошқа жойга кўчирилиб, 2 янги артезиан қудуғи қавлашибди. Жами 6 жойда сув олиш учун қулай мосламалар ўрнатилди. Яна 400 метр сув узатиш, 2500 метр каналлаштириш учун қувурлар тортилибди. Бир йўла 60 тонна махсулотни захирада сақлаш сифимига эга омборхона қурилибди. Тиббиёт, оналар ва болалар хонаси ҳозирланган. Бозорни назорат қилиш учун кузатув камералари ўрнатилган. Замонавий ускуналар билан таъминланган лаборатория хизматга ҳозир. Янги тарозилар олинган. Юртимиз ва вилоятимиздаги бозорларда нарх-наволардан, айрим янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида электрон «телевизор» ўрнатилди. Яна сизими 500 тонналик совутигич ўрнатиларкан...

— Отам Очил бобо тадбиркор бўлган, — дейди савхотали инсон Урал Боқиев.

— Доим «Элга қайиш, кам бўлмайсан», дердилар. «Сарбон» кийим-кечак бозори ёнида кичик ошонамиз бор. Мен ўз ихтиёрим билан бозор олдига ўтган йили 2 кичик фаввора қуриб бердим. Ҳокимимиз алқаб, тўн кийдирганларида хижолат чекманман. Савоб учун қилганим-да! Марказий бозор қурилатганда, Исмаило акага ниятимни айтдим, у киши қўлладилар. Бозор марказида фаввора қуриб бердим. Жами 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфладик. Эл ҳам мендан рози бўлсин...

Мана, ўша фаввора, сувларини сочиб турибди. Харидорлар салқинлашади. Кейин дарвозадан чиқиб, кўш қаватли савдо марказининг кичик хиббонига ўрнатилган ўриндиқларга ўтириб, бир нафас ҳордиқ чиқаришди. Келгусида бозор ҳовлисида дархат ва гуллар қўқартирилади. Иссиқ иқлимда дархатнинг сояси соз бўлади.

Янгидан қурилган бозор очилишига минглаб чироқчиликлар келишди. Қашқадарь вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбасари Ботир Зокиров ва бошқа меҳмонлар янгидан қурилган бозор расталари, дўконлар, ободончилик ишлари билан танишишди. Шундан кейин Чироқчи шаҳри марказидаги дам олиш ва маданият марказининг томоша залида туман фаоллари, оқсоқоллар, бозорни қурган қурувчилар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишдан олдин қисқа метражли ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Унда олдинги эски бозор ва янгидан қурилган кўркам расталар, янги бинолар намойиш қилинди. Маросимда сўз олган вилоят раҳбари Чироқчи туманида амалга оширилган бунёдкорликлар ҳақида қисқача тўхтади. «Мард, танги, меҳмондўст чироқчиликлар ҳар ишга қодир, улар оғир шароитда лалми ерларда мўл дон етиштириб, ўзларининг омиқкорликларини исбот қилишмоқда», деди у фахрланиб. Дарҳақиқат, кейинги бир неча йилда туманда ободончилик ишларига катта эътибор берилмоқда. Бу йил туман галлакорларни шартнома режасини 150 фоиз қилиб бажаришди. Ҳозир даладарда мўл пахта етиштирилган.

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарь вилоят кенгашининг раиси, ЎзАДПдан вилоят кенгаши депутати Январ Иноятов, Чироқчи туман ҳокими Равшан Қомиллов ва бошқалар қурувчиларнинг, тадбиркорларнинг, фидойи инсонларнинг меҳнатига раҳматлар айтишди. Бир гуруҳ фаоллар ва қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Юнус УЗОКОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҲИҚМАТЛАР
ХАЗИНАСИДАН
АЙТИЛГАН
СЎЗ —
ОТИЛГАН ЎҚ

Жамоа орасида ёхуд айрим шахсларга бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги ўқитилган. Кишининг оғзидан чиққан ҳар бир сўз, хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин, уни асло қайтариб бўлмайди. Айниқса, одамларни ноўрин ҳақоратлаш, камситиш, пичинг, кесатиқ гаплар айтиш, улар қалбини ўқдай жароҳатлаши мумкин. Шу боис, киши ҳар бир сўзини ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гапириши керак. «Оғиздан чиққан сўз қайтмас»; «Гап эгаси билан юрмайди»; «Гуф десанг, оғзиндан чиқадди-кетадди, оқибатини ўйла»; «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтин»; «Сақланган сўз — соф олтин»; «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, айтгандан сўзга сенга сўз эга» сингари мақоллар кишини ўйлаб ҳулоса чиқариб олишга ундайди.

АНДИШАНИНГ
ОТИ —
КЎРҚОҚ

Баъзи одам сермулоҳаза бўлиб, бирор нафсониятга тегадиган гап айтса ҳам, унга муносиб жавоб қайтаришнинг, қаттиқ-қуруқ гапиришнинг ўрни келган бўлса ҳам, узоқ-яқинини, орқа-ўнгини ўйлаб, индамайди, ўзини тияди ёки мулоимлик билан жавоб қайтаради, андиша қиладди. Баъзилар эса бунинг фарқига бормай, «мендан кўрқиб, индамай турибди» деб ўйлаб, ҳадидан ошади. Ана шундай ҳолларда «Андишанинг оти кўрқоқ бўпти-да!», деб китоб тарзида шу мақол ишлатилди.

АРЗОННИНГ
ШЎРВАСИ
ТАТИМАС

Арзон, ориқ гўштининг шўрваси татимсиз бўлади. Ота-боболар ҳар бир нарсани олишда унинг энг яхшисини, сифатлигини олиш, нархнинг қиммати билан чўчмаслик лозимлигини ўқитиб ўтганлар. Чунки нархи қиммат нарсаси шак-шубҳасиз ҳар жиҳатдан яхши бўлади. «Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас»; «Қимматда бир ҳикмат бор, арзонда бир иллат бор»; «Арзон олган алданур, қиммат олган алданмас»; «Арзимаса, арзонга ҳам олма»; «Кераксиз нарсаси арзон бўлса ҳам қиммат» иборалари эса ушбу мақолнинг турдошларидир.



Савдо марказини ИСОМИДДИНОВ олган суратлар.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV
Tahrir hay'ati:
Abdulla OROPOV Saidkamol Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV XODJAYEV Farrux HAMROEV
Ulug'bek VAFOYEV MUSHIDDIN (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV MUSHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 959 8786 t — Tijorat materiallari nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21:45 Topshirilgan vaqti — 01:55
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2030-7633
1 2 3 4 6